



XASR

ЎТМОЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Ахборотлаштириш соҳасини такомиллаштирмасдан туриб, демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириб бўлмайди



«HI-TECH BANK» томонидан лизинг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 7,8 млрд. сўм кредит ажратилди



Нанотехнология ва наноматериалларнинг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига зарари ҳақида турли фикрлар пайдо бўла бошлади

2011 йил 28 июль, пайшанба
30 (402)-сон,
E-mail: axborot@xlasr@yahoo.com

3 КОНЦЕПЦИЯ

6 ИҚТИСОДИЁТ

7 ХАЛҚАРО ХАЁТ

Энди янги қонун асоссиз аралашувларга чек қўяди

Фракция аъзоларининг фикрича, ушбу қонун лойиҳалари Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»даги «Демократик бозор ислохотлари ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналиши»да илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бири «Рақобат тўғрисида»ги қонун лойиҳасидир.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ O'ZLiDeP ФРАКЦИЯСИНING НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА КИЧИК БИЗНЕС, ҚУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИҚ СУБЪЕКТЛАРИ ВА ФЕРМЕРЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

3 >>>

БУТОҚ ВА МУҚАДДИССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАНИ

Истиқлол неъматиди

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон галлакорларига йўлаган табриги билан танишиб, беихтиёр, мустақиллик шарофати билан деҳқонларга яратиб берилаётган имкониятлар кўз олдимдан ўтди

Ойбек БОЙМУҲАММЕДОВ, Саросиё туманидаги «Хайитали Боймухаммедов» фермер хўжалиги раҳбари

белгиланганидан ортиқ ҳосилнинг деҳқон ихтиёрида қолдирилаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда.

Хўжалигимиз деҳқонлари 121,6 гектар суғориладиган майдонда об-ҳаво инжиқ келган бу йилги шароитда ҳам «Селянка» ва «Крошка» навли ғалладан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар гектарига ўртача 20 тоннадан маҳаллий ўғит бериб, суғоришнинг шарбат усулидан фойдаланганимиз туфайли ерда намгарчилик узоқ вақт сақланди. Натижада майсалар баравж ривожланиб, бўлиқ бошоқ тугди. Бундан ташқари, тўрт марта суспензия усулини қўллаб, баргидан озиклантирдик. Меҳнатларимиз зое кетмади. 387 тонна сара дон йиғиб олдик. Шартнома-

Аслида эришилаётган бундай ютуқларга давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар бош оми бўлаётганини таъкидлаш лозим. Қолаверса, фермер хўжалиқлари экин майдонларининг оптималлаштирилгани, галлакорлар ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиб, уларга тизимли сервис хизмати кўрсатиш кенг йўлга қўйилгани ва, албатта, шартнома-

вий режани ортиги билан бажардик. 211 тонна дон хўжалигимиз ихтиёрида қолдирилди.

Фермерларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар натижасида кишлоқ хўжалиги йил сайин ривожланиб бораётир. Даромад ҳам шунга яраша бўлаяпти. 56 киши меҳнат қилаётган хўжалигимизда олти-та чопик, ҳайдов ва бошқа техника воситалари мавжуд. Айни кунларда улар ёрдамда ғўзага ишлов бераёғимиз. 77,6 гектарда парваришланаётган «Бешқаҳрамон» навли ниҳолларимизда ҳосил нишонаси кўзга ташланиб қолди. Мақсадимиз — ҳар гектар майдондан 40 центнердан ҳосил йиғиб-териб олиб, Мустақиллигимизнинг кутлуғ 20 йиллигини муносиб кутиб олишдир.

Сув йўлига ғов қўйманг, оқибатини ўйланг

Оммавий ахборот воситаларида Роғун ГЭСи қурилиши ўрта Осиё табиати, сув таъминоти ва минтақада яшовчи миллионлаб аҳоли ҳаётига нечоғли салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида мутахассис олимлар, халқаро экспертлар томонидан кўпга чиқишлар қилинмоқда

Уларда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида давлатимизнинг бу борада олиб бораётган сиёсати чуқур ҳаётий асосларга эга экани, Ўзбекистон фақат ўз халқининг эмас, балки бутун минтақа аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилаётгани эътироф этилмоқда. «Яна бир бор Роғун ГЭСи лойиҳасини амалга оширишнинг оқибатлари тўғрисида» сарлавхали мақола шулардан биридир. Лекин эски тузум мафқураси, яъни инсоннинг табиатни жиловлашга уриниши маҳсули сифатида ишлаб чиқилган ва бугунги давр талабларига мутлақо мос келмайдиган лойиҳа асосида гидроэлектростанция қурилишини давом эттиришга уриниш Тожикистон раҳбарияти томонидан минтақа халқлари тақдирига бепарволик билан қарашдан ўзга нар-

са эмас. Мақолада қайд этилганидек, қурилиш участкаси учун танланган майдон Рихтер шкаласи бўйича 9 ва ундан юқори балли зилзилалар мунтазам содир бўлиб турадиган Илякс-Вахш ёриги зонасида жойлашган. Вахш дарёси эса айнан тектоник синик бўйлаб оқади. Бу ҳудудда ўтган асрнинг ўзида бир неча марта 9 балли зилзилалар кузатирилган ва у салбий оқибатларга олиб келганини тожикистонлик кексалар унутгани йўқ. Роғун ГЭСи тўғрисида баландлиги 350 метр ва сув оми бори 14 куб километрни ташкил этишини ҳисобга олсак, бу ерда зилзила рўй бергудек бўлса, унинг оқибати нималарга олиб келишини тасаввур қилишнинг ўзи кишини дахшатга солади.

2 >>>

«Аёллар қаноти» навбатдаги ташаббусларга чоғланмоқда

Тошкентда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда О'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг устувор вазифалари» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди

Маълумки, истиқлол йилларида хотин-қизлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилгани боис улар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок эта бошладилар. Сайлов қонунчилигида эса Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларида номзод кўрсатишга ҳар бир сиёсий партия бўйича хотин-қизлар учун қамда 30 фоизлик квота

ажратиш тартиби белгилаб қўйилгани ҳам бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтди. Агар 1994 йилда парламент кўйи палатасига сайланган 250 нафар депутатдан 16 нафарини аёллар ташкил этган бўлса, 2009 йилги сайловларда 33 нафар хотин-қиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланди.


2011 йилнинг олти ойида О'zLiDeP «Аёллар қаноти» аъзолари бўлган тадбиркор хотин-қизлар томонидан 5748 та янги иш ўрни яратилгани эса сиё-

сий партияларнинг ҳам аёллар фаолиятига алоҳида эътибор қаратаётганларини кўрсатади. Семинарда, шунингдек, жойларда ўтказилган 1200 га яқин тадбирда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича кўриб чиқилгани таъкидланди.

2 >>>

«Афросиёб» Ўзбекистонда

Куни кеча пойтахтимизга Испаниянинг «PATENTES TALGO S.L.» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган «Афросиёб» тезувор поезде олиб келинди. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, Урта Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистонда юқори тезликка эга бўлган замонавий электропоезд катнови йўлга қўйилади.



Маълумот ўрнида шунини айтиш керакки, соатига 250 км/соат тезлик билан ҳаракатланувчи поезд дастлаб Тошкент-Самарқанд йўналишида хизмат кўрсата бошлайди. Утган вақт мобайнида хавфсизлиқни таъминлаш мақсадида умумий узунлиги 344 километрни ташкил этувчи темир йўл линиясида модернизация ва қайта қуриш ишлари олиб борилди. «Янгиер-Даштобод» ораллигида эса 34 километрлик икки темир йўл, битта туннель ҳамда металл конструкциядан иборат 400 метрли 4 та замонавий кўприк қурилди.

Депутатлик гуруҳи электорат манфаати ҳимоячиси

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи вилоят бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва дастурий таъминот бозорини ривожлантиришга онд ишлар юзасидан Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи Толиб Пўлатовнинг ҳисоботини эшитди

Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишлар орасида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш,

сиёсий модернизация жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенгроқ фойдаланиш лозимлиги алоҳида таъкидланган эди. Ана шундан келиб чиқиб, О'zLiDeP ахборот ва дастурий таъминот бозорини ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор қарата бошлади.

Партия вакилларининг фикрича, дастурий таъминот индустриясини ривожлантирмасдан туриб, иқтисодий ислохотларда ҳам қўтилган натижаларга эришиб бўлмайди. Негаки, ушбу соҳа иқтисодий тараққиёт даражасини таъминлашда ўзига хос лоқомли вазифасини ўтовчи омиллардандир.

3 >>>

Юксалишнинг «ўзбек модели»

Ўзбекистонда 2011 йилнинг олти ойида ялпи ички маҳсулот 8, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фозга ўсгани дунёнинг аксарият мамлакатлари ҳали-ҳануз молиявий-иқтисодий инқироз таъсирдан қутула олмаётган бир пайтда юртимиз иқтисодиёти йил сайин барқарорлашиб бораётганини аниқлатади

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида таъкидланганидек, бунда

асосий эътибор, энг аввало, иқтисодиётни янада либераллаштириш, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тад-

биркорлик субъектларини ривожлантириш, аҳоли зарур истеъмол буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларига қаратилди.

2 >>>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 26 ИЮЛДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ.	1 Австрали доллар	↑ 1866,21	1 АҚШ доллар	↑ 1724,94	1 Ҳитой юэни	↑ 267,54	1 Туркия лираси	↓ 1013,95	1 Япония иенаси	↑ 220,10
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун ҳорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:	1 Англия фунт стерлинги	↑ 2810,62	1 Миср фунти	↑ 289,42	1 Малайзия рингити	↑ 580,01	1 Швейцария франки	↑ 2123,00	1 Россия рубли	↑ 62,23
	1 Дания кронаси	↑ 332,76	1 Исландия кронаси	↑ 14,99	1 Польша злотийси	↑ 622,30	1 ЕВРО	↑ 2447,42	1 Украина гривнаси	↑ 216,40
	1 БАА дирҳами	↑ 469,64	1 Канада доллари	↑ 1813,44	1 СДР	↑ 2767,75	1 Жанубий Корея вон	↑ 16,35		

КОНЦЕПЦИЯ

Тадбиркор эркилиги, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслик иқтисодий ривожланиш асосидир

Ахборотлаштириш соҳасини такомиллаштирмасдан туриб, демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириб бўлмайди

30 (402)-СОН

2011 йил 28 июль,
пайшанбаe-mail:
axborotXlasr@yahoo.com

Энди янги қонун асоссиз аралашувларга чек қўяди

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

Кахрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

O'zLiDeP фракцияси аъзоси Насим Алимовнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳаси монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорида ҳам тартибга солишни назарда tutиши, биржа савдоларида монополияга қарши механизмларни, акция сотиб олиш ҳамда назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштиришга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда муҳимдир.

— Бозор муносабатлари шароитида рақобат иқтисодиётнинг асосий таянч воситаларидан бири саналади, — деди Н.Алимов. — Маълумки, ўтган йиллар мобайнида давлат томонидан самарали рақобат сиёсати амалга оширилиши натижасида товар ва хизматлар бозорининг монополлашиш даражаси сезиларли миқдорда пасайди. Кейинги 10 йилдагина монопол корхоналар сони 75,2 фоизга камайгани мамлакатимизда кулай рақобат муҳити яратилишини таъминлади. Рақобатни шакллантириш ва уни қонун билан ҳимоя қилинишини янада такомиллаштириш эса, ўз навбатида, иқтисодиётни либераллаштириш, партия электорати бўлган тадбиркор ва фермерлар имкониятини янада кенгайтиришда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, тадбиркорлик ривожлангани сари бозор субъектлари сони ҳам ортиб бораверади. Мазкур жараёнда экспорт ҳажми кенгайиши ва бу бозорлардаги маҳсулот сифати ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, янги қонун лойиҳаси эркин бозор иштирокчилари фаолиятини тартибга солиш ҳамда соҳада кузатилаётган айрим тушуновчиликларни бартараф этишга қаратилгандир.

Фракция аъзолари партия электорати учун муҳим бўлган «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар. Мажлисида таъкидланганидек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, молия-банк тизимидаги ислохотлар изчиллигини, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини муттасил ошириб боришни кафолатлаш имкониятини кенгайтиради. Айни кунда иқтисодиётимизнинг кундан-кунга ривожланиб бораётгани эса тижорат банклари ва бошқа нобанк кредит ташкилотлари томонидан тақдим этилаётган кредит хизматлари кўламининг кенгайиши ҳам сабаб бўлмоқда. Мана шу жараёнда банклар ва нобанк кредит ташкилотлари юзага келиши эҳтимоли бўлган хатарларнинг олдини олишга хизмат қилувчи ахборотларга жуда катта эҳтиёж сезади. Яъни, банк кредит олувчининг тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти тўғрисида тўлиқ ҳамда ишончли ахборотга эга бўлиши, тадбиркор эса қисқа муддат ичида маблағ олиш мумкин бўлган маълумотлар билан танишишни хоҳлайди. Бугун кредит ахборот алмашинуви



ана шу зарурат туфайли юзага келди, дейиш мумкин.

— Тизимнинг қарз олувчи яъни O'zLiDeP электорати бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун самардорлиги шундаки, бу улар фаолиятини молиялаштириш имкониятини янада мустақамлашнинг асосий омилларидан биридир. Ишончли ва тезкор кредит ахбороти кредит беришда хизмат кўрсатиш сифатини ошириб, айни пайтда банк таваккалчиликларини камайтиради. Бу эса, ўз навбатида, банклар ва қарз олувчиларнинг молия-кредит интизомини мустақамлайди.

Қисқа қилиб айтганда, «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бу борадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда битимлар тузишда қатнашаётган манфаатдор томонларнинг кредит ахбороти алмашинувида иштирок этиши учун тенг шароитлар яратишга қаратилгандир.

Мажлисида депутатлар Президентимиз Концепцияси доирасида ишлаб чиқилган «Микромолиялаш соҳасининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Қонуннинг асосий мақсади микромолиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини банк назорати бўйича қабул қилинган янги талаблар асосида тизимга солишга йўналтирилгандир. Негаки, айни пайтда тижорат банклари билан бир қаторда микромолиявий хизматлар кўрсатувчи кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлар ва ломбардлар каби нобанк кредит ташкилотлари ҳам иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирок-

чисига айландилар. 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада жами 209 та нобанк кредит ташкилоти, хусусан, 116 та кредит уюшмаси, 35 та микрокредит ташкилоти ва 58 та ломбард фаолият юритаётган бўлса, улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни мажбурийлаштириш ҳамда қанчаларни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, бозорларини истиёмол маҳсулотлари билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ана шундан келиб чиқиб, лойиҳада «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонунга «лицензиянинг амал қилиши тўғрисида» қўшимча қилиниши ва уни бекор қилиш номуни янги модда киритилмоқда. Ундан кўзланган асосий мақсад нобанк кредит ташкилотларининг қонуний фаолият юритишини таъминлашдан иборатдир. Қонуннинг 7-моддасига банк ва бошқа кредит ташкилотларининг кредит уюшмаси аъзоси бўла олиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда битимлар тузишда қатнашаётган манфаатдор томонларнинг кредит ахбороти алмашинувида иштирок этиши учун тенг шароитлар яратишга қаратилгандир.

Мажлисида депутатлар Президентимизнинг «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонунларнинг айрим моддаларига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Буларнинг барчаси нобанк кредит ташкилотлари ҳамда улар хизматидан фойдаланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро ишонччи мустақамлаш, уларнинг

ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш имконини беради. Ана шу жиҳати билан ҳам ушбу лойиҳа O'zLiDePнинг мақсад ва муддаоларига мосдир.

Фракция мажлисида, шунингдек, «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилгани муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу лойиҳа қўйи палатанинг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси асосида тайёрланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини бирлаштириб янги ном билан иккинчи ўқишга киритилди. Депутатларнинг фикрича, ушбу ҳужжат ҳам партия электорати фаолияти учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Партиянинг Сайлов дасурида таъкидланганидек, тадбиркор эркилиги, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслик иқтисодий ривожланиш асосидир.

O'zLiDeP мазкур қонунни тайёрлаш жараёнида жойларда ўтказилган 100 дан ортқ тадбирларда электорат вакиллари билан олинган 300 дан зиёд тақлифдан фойдаланди. Президентимизнинг 2011 йил 5 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текшириш янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чоралар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қабул қилиниши, шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мажлисида кун тартибидан ўрин олган бошқа масалалар ҳам атрафлича кўриб чиқилиб, партиянинг нуктаи назари белгилаб олинди.

Соҳада инновацион ишланмалар, замонавий ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситаларини, шунингдек, дастурий таъминот индустриясини қўллаб-қувватлашнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш долзарб вазифадир

Депутатлик гуруҳи электорат манфаати ҳимоячиси

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

Шу боисдан ҳам O'zLiDeP фракцияси томонидан бундан бир неча ой муқаддам ахборот ва телекоммуникация технологиялари тизимида олиб борилаётган ишларнинг бугунги ҳолати, ютуқ ҳамда муаммолар парламент эшитиши даражасида муҳокама қилинган эди. Мазкур эшитувдан

никация ва ахборотлаштириш соҳасида турли мулкчилик шаклидаги 140 дан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар фаолият олиб бормоқда. Шу ўринда 2010 йилда Самарқанд шаҳри яқинидаги «Чўпон ота» радиотелевидение станциясида Германиянинг «Роде Шварц» компаниясида ишлаб чиқарилган, қуввати 2,3 кВт бўлган рақамли телеузаткич фойдаланишга топширилганини айтиш мумкин. Ҳозир вилоятдаги 82 та почта алоқасида замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда электрон пул ўтказиш тизими йўлга қўйилган.

ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, дастурий таъминот индустриясини қўллаб-қувватлашнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

— Алоҳида эътибор талаб этадиган яна бир масала бу — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлашдан иборат, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Илҳом Ботиров. — Чунки тадбиркорлик субъектлари ҳар доим ҳам ваколатли органлардан зарур ахборотларни ололмаптилар. Зеро, айрим ҳудудларда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот хизматлари тўлиқ ташкил этилмаган, интернетда веб-сайтлар яратиш ҳамда уларни ахборот билан тўлдиришда ҳам оқсоқликлар кўза ташланмоқда.

Тадбиркорлик субъектларини зарур ахборотлар билан таъминлаш, уларга маблағ бериш тизимини янада такомиллаштириш, хусусан, кичик бизнес субъектларини рўйхатга олиш, уларга ер ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, кредит ресурсларидан фойдаланиш, айниқса, давлат буюртмаларини олишда ваколатли давлат органлари билан муносабатлар шакллантириш таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва ахборот хизматларини яратиш ва ишга тушириш масалалари ҳали-ҳануз долзарб бўлиб қолаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

— Мажлисида муҳокама этилган масала, яъни вилоят бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва дастурий таъминот бозорини ривожлантиришга биргина шу агентликнинг ҳудудий бошқармаси эмас, қолаверса, биз ҳам маъсул эканимизни назарда тутиб, соҳадаги камчиликлар юзасидан маҳаллий кенгашлар томонидан депутатлик назоратини қучайтириш, мавжуд муаммоларнинг ечимини топишда ташаббускор бўлишимизни замоннинг ўзи талаб этмоқда, — деди депутатлик гуруҳи раҳбари Амрилло Аҳмедов. — Шунинг учун ҳам кун тартибиданги масалани янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида маҳаллий кенгаш депутатлари ва тегишли идоралар мутахассисларидан иборат махсус ишчи гуруҳи тузилди.

Йиғилишда Толиб Пўлатов ҳисоботини халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясига киритиш юзасидан қарор қабул қилинган Самарқандда АКТ соҳасида айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатади, албатта. Зеро, ахборотлаштириш соҳасини такомиллаштирмасдан туриб, демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириб бўлмайди.

Мажлисида, шунингдек, «Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга янада кулай шароит яратишда тижорат банкларининг кредит билан таъминлашдаги роли» билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

O'zLiDeP депутатлик гуруҳи ўтказган назорат-таҳлил натижалари ҳам бошқарма томонидан вилоятда АКТни жорий этиш ва дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантиришга оид ишлар бугунги кун талаблари даражасида эмаслигини кўрсатмоқда.

Сўнг фракция аъзолари соҳада амалга оширилаётган ишларни ҳудудлар кесимида ўрганиш ва унинг натижалари бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш ҳам яхши самара бериши мумкин, деган қарорга келдилар. Мавзу юзасидан депутатлик назорати аввал Жиззаф вилоятда ўтказилган бўлса, энди бу тадбир O'zLiDeP Самарқанд вилояти кенгашидаги депутатлик гуруҳи ташаббуси билан амалга оширилди.

Мажлисида Т.Пўлатов ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича вилоятда изчил ишлар олиб борилаётгани, хусусан, шаҳар ва туман ҳокимликлари «UzNet» филиалининг VPN корпоратив тармоғига улангани таъкидлаб, 2010 йилда интернетдан фойдаланувчилар сони 266 850 тани ташкил этигани қайд этди. 2011 йилнинг биринчи ярмида эса бу кўрсаткич 276 500 тага етган. Айни пайтда вилоятда жами 2 млн. 335 миңдан ортқ мобил алоқа абонентлари рўйхатга олинган.

Президентимизнинг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ фаолият олиб бораётган вилоят ахборот-кутубхона маркази 626 миңдан ортқ фондга эга. 20 турдаги оргтехника билан таъминланган мазкур кутубхонанинг 30 та компьютери «ZiyoNET» таълим тармоғига уланган. Электрон каталог яратиш жараёни кенгайтириш мақсадида эса «КаДата» миллий дастури ишлаб чиқилган.

Толиб Пўлатовнинг таъкидлашича, айни пайтда вилоятда телекомму-

Самарқандда мазкур соҳа учун малака кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Хусусан, Тошкент ахборот технологиялари университети филиалида 2010-2011 ўқув йилида 381 нафар мутахассис диплом олган бўлса, шу соҳага ихтисослашган 8 та коллежни 1153 нафар ўқувчи тамомлаган.

Мажлисида эришилган ютуқлар билан бирга соҳада йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжудлиги эътироф этилди. Хусусан, O'zLiDeP вилоят кенгаши депутати Раҳматилло Шодиев айрим чекка кишлоқларда симли телефонлар ишламаётгани, уяли алоқа хизматининг сифати ёмонлигини маълум қилган бўлса, Каттақўрғон шаҳар кенгаши депутати Сиддиқ Гадов эфирга узатишдаги муаммолар боис вилоят телеканалларини Самарқанднинг барча ҳудудларидан ҳам кўриш имконияти йўқлигига эътибор қаратди. Вилоят кенгаши депутати Бахтиёр Хўжаёров эса қорхона ва ташкилотларнинг интернетдан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш лозимлигини таъкидлади. Унинг фикрича, белгиланган лимитдан ташқари интернет хизматидан фойдаланганлар 4 баробар кўп маблағ тўлашга мажбур бўлмоқдалар. Бу эса вилоятда етарли даражада рақобат муҳити шаклланишидан далolat беради.

O'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан ўтказилган назорат-таҳлил натижалари ҳам бошқарма томонидан вилоятда АКТни жорий этиш ва дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантиришга оид ишлар бугунги кун талаблари даражасида эмаслигини кўрсатмоқда.

Шу нуктаи назардан, соҳада инновацион ишланмалар, замонавий ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситаларини ишлаб чиқариш, бўйича янги қорхоналар ташкил этишга қаратилган истиқболли лойиҳаларни



Кишлокда замонавий корхона

Жондор туманидаги «Мегатекстилсервис» корхонаси жамоаси асосан хотин-қизлардан иборат бўлиб, бу ерда Самончук, Қулиёна, Хумдонак, Жинган ва Далмун кишлоқларида истиқомат қилаётган опа-сингилларимиз меҳнат қилаётди

Асхор ИСТАМОВ, «XXI ASR»

Бундан тўрт йил аввал 11 киши билан иш бошлаган корхонада фақат матоларга ранг берилган бўлса, кейинчалик сочиқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Дастлабки йилда қиймати 78 млн. сўмлик маҳсулот хариддорларга етказиб берилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 2 млрд. 625 млн. сўмни ташкил этди. Навоийдаги «Навбахортекстил» қўшма корхонаси билан тузилган шартномага кўра, ҳам ашё муаммоси бутунлай бартараф этилди. Маҳсулот тайёрлаш учун зарур бўлган сифатли бўёқ эса Туркиянинг «Сетас-кимё» компаниясидан сотиб олинган.

Соҳа мутахассислари корхона маҳсулотлари 3 йилдан буюн Россия Федерациясига экспорт қилинаётганини таъкидламоқдалар. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тенг ярми ташқи бозорда сотилаётгани унинг сифатлигидан далolat беради, албатта.

Айни пайтда 80 дан ортиқ киши меҳнат қилаётган корхонага раҳбарият саяҳатлари билан хорижий асбоб-ускуналар харид қилинди. Бу эса қўшимча иш ўринлари яратиш имконини берди. Умрини ўтаб бўлган эски дастгоҳлар шу тарихга ўз ўрнини замонавий асбоб-ускуналарга бўшапти берди.

Жорий йилнинг март ойида «Хамкорбанк» томонидан корхонага 700 млн. сўм миқдорда кредит ажратилгани корхона имкониятларини янада кучайтирди. Бу маблағ янги дастгоҳ ва замонавий технологияларни ўзлаштиришга сарфланди. Корхона мутасаддилари яқин келажакда Россиянинг Иваново шаҳрида ўз Савдо ўйини ҳам очиб режалаштирилганини таъкидламоқдалар. Жорий йилнинг биринчи ярмида жами 1 млрд. 70 млн. сўмлик маҳсулот экспорт қилинган, йил охиригача бу миқдорнинг янада кўпайиши корхона истиқболи порлоқлигидан далolat бермоқда.

«Шарқ аёли» халқаро аёллар жамоатчилиги фонди раиси С.ТУРСУНБОЕВА «XXI asr» мухбири саволларига жавоб беради

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамиятни модернизациялашда асосий омиллардан экани алоҳида эътироф этилди. Айни пайтда давлат ва жамият курилиши жараёнида фаол иштирок этаётган 5400 дан ортиқ нодавлат ташкилот орасида «Шарқ аёли» халқаро аёллар жамоатчилиги фондининг ҳам ўз ўрни бор.

— Саодат Ғофуровна, бир тadbиркор сифатида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик борасида олиб борилаётган ишларни қандай баҳолайсиз?

— Эътироф этиш керак, ўтган 20 йил мобайнида Ўзбекистонда ҳаёт сифати, мамлакат қиёфаси бутунлай ўзгарди. Иқтисодий ётти эркинлаштириш унинг барқарор ўсишини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Иқтисодийётда рўй бераётган янгилишни ва ўзгаришлар, модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамлар тadbиркорлик ҳам ўз аксини топапти. Айниқса, хусусий секторни ривожлантириш учун ҳуқуқий база яратилгани соҳани ривожлантиришга асос бўлди. Имтиёзли кредитлар ҳамда оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш орқали нафақат иқтисодий мутахкамлаш, балки йилдан-йилга халқ фаровонлигини оширишга ҳам эришилмоқда. Хусусан, тadbиркорларни қўллаб-қувватловчи турли жамоатчилик ташкилотлари фаолиятининг йўлга

қўйилгани ва улар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни рағбатлантириш қонунчилигимизда белгилаб қўйилгани боис нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам соҳани ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Жумладан, «Шарқ аёли» фонди ҳам аҳолининг тadbиркорлик салоҳиятини юзага чиқариш, айниқса, интеллектуал мулк масалалари бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Масалан, ташкилотимиз 2010 йилда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда «Ўзбекистон XXI асрнинг рақамли форматида» инновацион-инвестицион лойиҳани ҳаётга татбиқ этди. Лойиҳа миллий дастурлаш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳамда ахборот технологиялари бўйича дунёга машхур Microsoft, Intel, HP, Fujitsu, PS-Ware, Soft Line каби компаниялар билан ҳамкорликда амалга оширилди. Мазкур йўналишдаги ишлар самараси ўлароқ, жаҳон аҳли ўзбекистонлик дастурчиларнинг ақлий қобилиятларига тан бера бошладилар. Бу ҳам, албатта, Ўзбекистонда соҳани ривожлантириш учун яратилган имкониятлар туфайлидир.

— ННТ ташкил этишга сизни нималар ундади ўзи?

— Саволингиз «Инсон нима учун яшайди?» деган саволга ўхшаб кетади (кулади). Сирасини айтганда одамзот ўзи-дан из қолдириш, кимгадир яхшилик қилиш учун дунёга келади, деб ўйлайман. Эҳтимол мен яхши ўқитувчи ёки яхши инженер бўлишим мумкин эди. Лекин давр шуни тақозо қилдики, нодавлат ташкилот фаолияти орқали атрофимиздагиларга кўпроқ фойдам тегиши мумкин, деган қарор қаелдим. Шу воқеага ҳам мана 12 йил бўлибди. 1999 йилда — Президентимиз Ислам Каримов фармони билан «Аёллар йили» деб эълон қилинган санада «Шарқ аёли» халқаро жамоатчилиги фонди-

ни ташкил этдик. Аёлларнинг фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши, жамиятда ўларанинг муносиб ўринларини топишига кўмаклашиш ниятида иш бошлаган ташкилотимиз нафақат Марказий Осиё, балки МДХ давлатлари орасида ҳам биринчи халқаро аёллар жамоат фонди сифатида тарихга кирди.

— Сиз раҳбарлик қилаётган ННТ ўтган йиллар мобайнида қандай натижаларга эришди?

— Энг аввало, фондимиз «Хар бир оилга тотовулик ва фаровонлик» шioriга амал қилишини таъкидлашни истардим. Зеро, оила — жамият асоси, унинг бутун маънавий қувват манбаи ҳисобланади. Келажакимиз эгалари бўлган ёш авлод ҳам айни ана шу оиллада шаклланади. Улар тарбияси ва маънавий қиёфаси қандай бўлиши эса асосан аёлларимизга боғлиқ. Бошқача айтганда, хар томонлама тўқис, руҳан ва жисмонан соғлом, маънавияти бутун оналар қўлида тарбияланган болалардангина баркамол авлод етишиб чиқади. Ана шундан келиб чиқиб, фондимиз аёлларга кўмаклашиш мақсадида ўтган 12 йил давомида ўнлаб лойиҳаларни амалга оширди. Юзлаб аёлларга моддий-маънавий кўмак, маслаҳатлар берилди. Бугун эса фондимиз жаҳоннинг ижтимоий ҳамда ишбилармон доираларини Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти билан таништириб бормоқда.

— Айни пайтда фонд бошқа жамоат ташкилотлари ва ННТлар таъсисчиси сифатида ҳам майдонга чиқаётган экан...

— Мамлакатимиз ривожини ва иқтисодий тараққиётини нафақат давлат органлари, балки жамоат ташкилотлари фаолиятига ҳам бевосита боғлиқ. Бундай ташкилотлар хар бир фуқаро ва аҳоли қатламларининг манфаати ҳимоя қилинишини таъминлайди.



Шу жиҳатдан олиб қараганда, ННТлар сонининг ортиши ва самарали фаолият олиб бориши «Шарқ аёли» халқаро аёллар жамоатчилиги фондининг ҳам стратегик мақсад ва вазифаларига кирди. Фондимиз 2001 йилда 30 дан зиёд тузилмани бирлаштирган «Меҳр» аёллар ННТлари республика бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциациясининг муассисларидан бирига айланди.

— Сизнингча, бугунги шарқ аёли қандай хислатларга эга бўлиши керак?

— Замонавий шарқ аёли деганда давр билан ҳамқадам ва билимда мукаммал, рафика сифатида ҳуснда ҳам, маърифат ва садоқатда ҳам баркамол, она сифатида Ватанимизга муносиб фарзандлар тарбиячиси, фуқаро сифатида эса меҳнатқаш ва ташаббускор инсон, жамиятимизнинг ҳақиқий фидокори бўлишини орзу қиламан. Истиқлол йилларида Ўзбекистонимиз аёлларининг ана шу орзуларини рўйбга чиқди. Шу жиҳат мени доим олға интилишга ундайди...

Абулфайз САЙИДАСКАРОВ сўхбатлашди

«Бомбей-2011»га ССП билан

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси 4-8 август кунлари Ҳиндистоннинг Бомбей (Мумбай) шаҳрида XXVIII Халқаро Қимматбаҳо буюмлар кўргазмаси бўлиб ўтиши, унда иштирок этишни хоҳловчи ўзбекистонлик ишбилармонлар палатанинг инвестиция ва замонавий технологиялар бўлимига мурожаат қилишлари мумкинлигини маълум қилади. ССП ахборот хизматидан хабар қилинишича, 30 минг нафардан ортиқ меҳмонлар иштирок этадиган мазкур кўргазмада Ҳиндистон заргарлик компанияларидан ташқари Бельгия, Исроил, БАА ва Туркия каби мамлакатларнинг таниқли фирмалари ҳам қатнашади.

Истеъмолчилар фойдасига 416,7 млн. сўм ундирилди

2011 йилнинг биринчи ярмида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 49 фойз кўп, яъни 3327 та мурожаат ва ариза келиб тушган.

Қўмита ахборот хизматидан хабар қилинишича, ана шу шикоятларнинг 2285 таси «ишонч телефони» орқали, 1042 таси эса ёзма шаклида қабул қилинган.

Тахлиллар мурожаатларнинг 49,5 фойзи коммунал соҳага, 32 фойзи савдо-сотиқ ва умумий оватланиш, 10,4 фойзи эса транспорт, алоқа ва электр таъминоти тизимларига тааллуқли эканини кўрсатмоқда. Энг муҳими, мурожаатлар ўрганиб чиқилгач, истеъмолчилар фойдасига жами 416,7 млн. (ўтган йилнинг ана шу даврида 180,8 млн.) сўм ундириб берилган бўлса, жорий йилнинг январь-июнь ойларида «ишонч телефони» орқали қабул қилинган мурожаатларни текшириш давомидаги қайта ҳисоб-китоблар 48,4 млн. (2010 йилнинг шу даврида 11,9 млн.) сўмни ташкил этди.

«Приста Ойл Холдинг» ҳозирча жой танламоқда

Ўзбекистон Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси раҳбарияти билан ўтказилган музокаралардан кейин Болгариянинг «Приста Ойл Холдинг» компанияси вакиллари мамлакатимизда яримсинтетик мой ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қарор қилдилар. Қўмита ахборот хизматидан хабар қилинишича, айни пайтда мазкур хорижий компания янги қўшма корхонани жойлаштириш учун ижарага бериладиган объектларни кўриб чиқмоқда. Аҳамиятлиси, болгариялик мутахассислар замон талабларига жавоб берадиган маҳсулот — яримсинтетик мойни ишлаб чиқаришдан қолган ёғли чиқиндиларни қайта ишлаш йўли билан олишни режалаштирмоқдалар. Шу ўринда 1993 йили ташкил этилган мазкур компания бугунги кунда антифриз, тормоз суоқлиги, гидравлик ва турбина мойи сингари маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган жаҳоннинг етакчи корхоналаридан бири эканини айтиш лозим.

Тadbиркор ҳуқуқи адлия ҳимоясида

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йил сайин ривожланиб бораётгани кундалик ҳаётимизда яққол кўзга ташланапти

Мухаббат РАВШАНОВА, «XXI ASR»

Зеро, бугун тadbиркорлик фаолиятини кенгайтириш, мулк эгаларининг ҳуқуқини ҳимоясини таъминлаш учун барча шарт-шароитлар яратилиб берилапти. Самарқанд вилояти адлия бошқармаси жамоаси ҳам ана шу йўлда изчил фаолият юритиб, бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

— Жорий йилнинг биринчи ярмида бошқармаимизга келиб тушган 72 та ариза ва шикоятнинг 63 таси кўриб чиқилиб, қонуний хал этилди, — дейди вилоят адлия бошқармаси Тadbиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси Умид Норқулов. — Тadbиркорлик фаолиятига оид қонунбузилиш ҳолатларидан тезда огоҳ бўлиш ҳамда зарур чоралар кўриш учун бошқармаимизда «ишонч телефони» ҳам ташкил этилган. Ўтган олти ой мобайнида ушбу қўлайликдан 25 киши фойдаланди. Яна бир муҳим жиҳати: аксарият тadbиркорлар кейинги пайтда ўзларини қизиқтирган турли масалалар юзасидан телефон орқали мурожаат қила бошладилар. Масалан, иштихонлик тadbиркор А.Ғаниев республика Товар-хом ашё биржаси Самарқанд филиали ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, бу ҳақда «ишонч телефони» орқали бизга хабар қилган эди. Мурожаат ўрганиб чиқилди ва қонуний талабномага асосан аризага «Охангаронцемент» ОАЖдан 11.899.804 сўм миқдордаги 44 тонна цемент унди-

риб берилди. Бунга ўхшаш мисолларни яна келтириш мумкин. Энг муҳими, қонунлар ижросини ўрганиш, тadbиркорлар мурожаатларини кўриб чиқишда асосий эътибор уларнинг бузилган ҳуқуқларини тегишли идораларга тақдимномалар киритиш ёки суд тартибиде кўриб чиқиш орқали тўлиқ тиклашга, қонунбузилишда айбдор шахсларни нисбатан ўз вақтида тегишли чоралар кўриш, тadbиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг тўлиқ ундирилишини таъминлаш, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёхуд ижросини тўхтатишга қаратилмоқда.

Ўтган ярим йил давомида бўлим томонидан ушбу йўналишда 114 та тақдимнома, 46 та огоҳнома, 34 та кўрсатма киритилди. Таъсир чоралари сифатида 180 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. 20 нафари эса лавозимидан озод этилди. Шунингдек, тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйган давлат бошқаруви идораларининг 71 та асоссиз қарорлари бекор қилиниб, улар ижроси тўхтатилди. Тadbиркорлардан ноқонуний ундирилган 2,8 млн. сўмдан ортиқ маблағ ўзларига қайтарилди. 89 та давло аризаси ҳўжалик суди ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан тўла қаноатлантирилди. Умуман, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги назорат қилувчи органлар томонидан 28 та вазиятда ноқонуний текшириш ўтказиш ва тadbиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашуш ҳолатларига йўл қўйилган.



Сармоялар эзгу мақсадларга йўналтирилади

Мамлакат молия бозорига фаол иштирок этаётган очик акциядорлик-тижорат «Ўзсаноатқурилишбанк» шу кунгача тadbиркорликни ривожлантиришга 148,3 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтириб, йил охиригача бу кўрсаткични 292 млрд. сўмга етказишни режалаштирмоқда

Шахзод НАЗАРОВ, «XXI ASR»

Жамиятимизда мулкдорлар синфини тўла шакллантириш, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш айни кундаги энг муҳим вазифа эканини тўла ҳис этаётган банк жамоаси ўз миқозларини хар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Барча филиалларда ташкил этилган «Тadbиркорлар хонаси»да миқозлар соҳага оид зарур маълумотлар ва йўриқномалар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Умуман, хусусий сектор вакиллари учун барча шарт-шароитни яратиш, кучли рақобат муҳитида уларни хар жиҳатдан ҳимоя қилиш учун банк жамоаси барча имкониятлардан фойдаланмоқда.

Маълумки, мустақилликнинг илк кунлариданоқ юртимизда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, юксак эътиқодли, маънавий етук авлодни камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ўзсаноатқурилишбанк» жорий йил бошидан бери олиғ ўқув юрти талабаларига 621 млн. сўм миқдорда кредит ажратди. Банкининг «Энг яхши инновацион лойиҳа» мавзусидаги тан-



ловида қатнашган иқтидорли талабаларнинг бизнес-ғоялари атрофлича ўрганилиб, голиблар тақдирланмоқда. Бунга ўхшаш мисоллар кўп, албат-

тилаётгани реал натижалар бераётганини таъкидлаш мумкин.

Шу ўринда «Энг яхши бизнес лойиҳа» танлови голиби деб топилган «Vuxtek-kompressor» масъулияти чекланган жамияти пластмасса-черепага ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бу ерда асосан Хитойдан янги ускуна харид қилиш ҳисобидан аҳолининг ёғоч-полимер маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш имконияти ҳам яратилди. Энг асосийси, ана шу кредит эвазига қўшимча 10 та янги иш ўрни яратилди. Ана шундай тadbиркорлик субъектларидан яна бири Навоий вилоятидаги «Дурдона Лаззат» хусусий корхонаси бўлиб, бир неча йиллардан бери банкнинг молиявий ёрдамидан баҳраманд бўлиб келаётган жамоа ҳам ички бозорни сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўшапти.

Бундан ташқари, «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан мустақилликнинг 20 йиллиги муносабати билан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича «Энг яхши бизнес лойиҳа», «Аёл тadbиркорларнинг энг яхши бизнес лойиҳаси», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш бўйича энг яхши бизнес лойиҳа» сингари танловлар ҳам миқозлар сонини орттириш ва улarga замон талаблари даражасида хизмат кўрсатишга қаратилганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

БАНК ТИЗИМИ



30 (402)-СОН

2011 йил 28 июль,
пайшанбаe-mail:
axborotXXlasr@yahoo.com

Qishloq Qurilish Bank

«Mood'ys Investors Service» нуфузли халқаро рейтинг агентлиги томонидан фаолияти барқарор, дея баҳоланган очик акциядорлик-тижорат «Қишлоққурилишбанк»нинг жорий йилнинг ўтган даврида кредит қўйилмалари миқдори 735,8 млрд. сўмни ташкил этди


Айни пайтда банк сармоялари мавжуд корхоналарни кенгайтириш, уларни замонавий техникалар билан қайта жиҳозлаш, иқтисодиётда кичик бизнеснинг мавқени мустаҳкамлаш ва пировардида аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Шу ўринда мутахассислар банкнинг ликвидлигини оширишда йирик корпоратив миқозлар билан яқин ҳамкорлиги яхши самара бераётганини тилга олаётдилар. Буни маблағлар мақсадли йўналтириладиганида, хусусан, sanoat соҳасига 73,3 млрд. сўм, savdo воситачиликка 51,8 млрд. сўм, қурилиш ва транспорт соҳасига 37,3 млрд. сўм, қишлоқ хўжалиги тармоқларига 29,2 млрд. сўм ажратилганида ҳам кўриш мумкин. Банк томонидан имтиёзли ипотека кредитларига 491,3 млрд. сўм, иқтисодиётнинг турли соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга эса 52,8 млрд. сўм сарфланди. Таҳлилчилар томонидан «Қишлоққурилишбанк»нинг мамлакатимизда изчил амалга оширилган инвестициявий жараёнларда ҳам фаол иштирок этаётгани эътироф этилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг айни давригача 256,3 млрд. сўм миқдоридидаги 425 та инве-

стициявий лойиҳалар молиялаштирилди.

Маълумки, кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётда етакчи мавқени эгаллаб, ички бозорни истъёмол товарлари билан тўлдириш, хизмат кўрсатишнинг янги ва замонавий турларини йўлга қўйиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. «Қишлоққурилишбанк» ҳам бу жараёнда хусусий сектор ривожини учун ажратилган кредитлар миқдорини ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 48,8 млрд. сўмга оширди. Эътиборлиси, ана шу ҳисобдан ҳудудларда 2794 та иш ўрни яратилди.

Айни кунда хотин-қизлар раҳбарлик қилаётган 3300 дан ортиқ хўжалик субъектлари ҳам банк хизматидан баҳраманд бўлаётганини таъкидлаш мумкин. Хайти эҳтиёжлар ҳисобга олиниб, қисқа давр орасида 378 нафар ишбилармон хотин-қизларга 14,1 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. «Энг яхши инвестицион лойиҳа» номинациялари битирувчиларига ҳам ўз бизнесларини йўлга қўйиш учун моддий ва маънавий кўмак берилмоқда. Жорий йилнинг ўзида ёш тадбиркорларга банк томонидан 425 млн.



сўм миқдоридида имтиёзли микрокредит ажратилди. Истиклол байрами арафасида эса кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик ғоялари, тақлиф ва бизнес-режаларини рағбатлантириш мақсадида «Энг яхши бизнес лойиҳа», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Энг яхши ёш тадбиркор», «Энг яхши инвестицион лойиҳа» номинациялари бўйича кўрик-танловлар ўтказиш режалаштирилган таъминоти билан алоқаси мустаҳкамланаётганини аниқлади. Маълумки, ички истъёмол

бозорини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш муҳим масалалардан биридир. «Қишлоққурилишбанк» ушбу йўналишдаги янги лойиҳаларни молиялаштириш учун 42 млрд. сўм миқдоридида кредит йўналтирди. Натижада жойларда хизмат маданияти ошиб, ишлаб чиқариш ҳажми кенгаймоқда. Банк иқтисодиёт тармоқларини ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда ҳам фаол иштирок этмоқда. Зеро, унинг миқозлари асосан қишлоқ фуқароларида, Пудрат ташкилотларининг айланма маблағларини тўлдириш учун қисқа вақт давомида

15,1 млрд. сўм кредит ажратилган бўлса, уларни замонавий техника ва усқуналар билан таъминлаш мақсадида 21,9 млрд. сўмдан зиёд сармоя йўналтирилди. Энг муҳими, молиявий ҳамкорлик ҳар икки томон учун манфаатли бўлмоқда.

Банк муассасаси нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш бўйича ҳам изчил фаолият олиб бормоқда. Айни кунда 201400 нафар миқоз банкнинг муомаладаги пластик картчаларидан фойдаланмоқда. Улар орқали 140 млрд. сўм миқдоридида операциялар амалга оширилди. Шунингдек, икки томонлама ахборот алмашинувини жаддалаштириш, қоғоз тежамкорлигини таъминлашда қўл келаётган «Internet-banking» ҳамда «SMS-banking» электрон дастурий хизмат турлари ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Ушбу хизматдан фойдаланганлар сони ҳозиргача 5000 нафарга етгани фикримизни тасдиқлайди.

Умуман, «Қишлоққурилишбанк» жамоаси изланишларини давом эттириб, миқозлар манфаати йўлида барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Узаро ишонч, манфаатли ҳамкорлик эса янгида-янги ютуқларга йўл очаётир.

«Қишлоққурилишбанк» фаровонлик йўлида



Мижозларга замонавий хизматлар кўрсатилмоқда

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин эгаллаётган банк-молия муассасалари фаолиятини ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда ташкил этиш ҳозирги кунда ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этади

Ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш ҳисобида аҳоли даромади ва турмуш даражасини оширишда хусусий банкларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Молия бозоридида ўз мавқени ошириш, биринчи галда рақобатни кучайтириш, иккинчидан, кўрсатилган хизматлар сифатини яхшилаш учун банклар миқоз манфаатидан келиб чиққан ҳолда барча замонавий усуллардан фойдаланмоқдалар. 2010 йилда ўз фаолиятини бошлаган хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат «HI-TECH BANK» жамоаси ҳам замонавий ахборот ва инновацион технологияларни амалиётга кенг жорий этиб, қисқа вақт ичида етарли миқозлар аудиториясига эга бўлди. Ўтган йил давомида банкнинг кредит портфели 14,9 млрд. сўмни ташкил этганининг боиси ҳам шунда. Ушбу сармоялар асосан корхоналарнинг айланма маблағларини қўлайитириш, уларни янги техника билан таъминлаш ва ишлаб чиқаришни модернизациялашга йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда бозор пештахталарини тўлдириб турган турли хил маҳсулотлар маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилаётгани ҳаммамизга яхши маълум. Ана шу мақсадлар учун банк томонидан 2,4 млрд. сўм миқдоридида маблағ йўналтирилган бўлса, ноозик-овқат истъёмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун 1,4 млрд. сўм кредит ажратилди.


Маълумки, тижорат банкларининг молия бозоридан барқарор ўрин эгаллашида уларнинг инвестицион фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Инвестиция муҳитини рағбатлантириш ўз ўрнида ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва, энг асосийси, қўллаб-қувватлаш янги иш ўринлари очирилишига хизмат қилади. Кенжа молия муассасаси ҳисобланган «HI-TECH BANK» томонидан ҳам лизинг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 7,8 млрд. сўм кредит маблағи ажратилди. Натижада 66 киши доимий иш жойига эга бўлди. Бу ҳам бўлса, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида банк сармоялари мақсадли йўналтирилганлигини далил беради. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ихтиёр этган ҳар бир кишига банк операциялари билан боғлиқ бепул хизматлар ҳам кўрсатилмапти. Жорий йил якунигача эса хусусий секторга, яъни ишлаб чиқариш соҳасига кредитлар ҳажмини бир неча баробарга ошириш режалаштирилган.

Бугун электрон савдонинг асоси бўлган пластик картчалар тобора оммалашиб, тўлов тизимининг янгида-янги турлари ҳаётга татбиқ этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз, албатта. Мазкур банк жамоаси ҳам ана шу масалага алоҳида эътибор қаратапти. Хусусан, ҳақон молиявий индустрияси учун тўлов ечимлари етказиб берадиган илгор компаниялардан бири — «БПЦ Банковские технологии» томонидан UZKART миллий тўлов тизими учун тақдим этилган EMV платформаси доирасидаги «Smart Vista» ечимига республикамиз тижорат банклари орасида «HI-TECH BANK» биринчилардан бўлиб қўшилди. Бу эса миқозларга турли алоқа қўрилмалари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда кўп тармоқли хизмат кўрсатиш, шунингдек, электрон ва мобил тижорат соҳасидаги тўловларни самарали бошқариш имконини беради, албатта. Янги тизимнинг яна бир қўлайлиги шундаки, пластик картча эгаси пулни юклаш учун банкка бориши шарт эмас. Яъни, ортиқча вақт сарф қилинмайди.

Бир сўз билан айтганда, хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат «HI-TECH BANK» жамоаси мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида хизмат кўрсатишнинг оддий, қўлай ва энг замонавий усулларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Мақсад миқозлар сафини янада кенгайтириш, хизмат сифати ва маданиятини янада ошириш, шу орқали эса мамлакат молия бозоридан салмоқли ўрин эгаллашдир.

Кредитлардан — иқтисодий тараққиётга

Истиклолимизнинг йигирма йиллик байрами нишонланадиган 2011 йилда молия муассасалари ҳам ўз миқозлари учун хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилмоқдалар



Ўзбекистон-Германия «Савдогарбанк» очик акциядорлик-тижорат банки ҳам Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида хусусий секторга ажратиладиган кредитлар миқдорини 40,3 млрд. сўмга етказишни кўзда тутмоқда. Шунинг 15,5 млрд. сўми бевосита тадбиркор аёлларга мўлжалланган.

Жорий йилнинг олти ойида кичик бизнес субъектларига 36,2 млрд. сўм миқдоридида кредит маблағлари ажратилиб, 1404 та янги иш ўрни яратилгани эса бу кўрсаткич 2010 йилнинг айни даврига нисбатан қарийб икки ҳиссасига ортганини кўрсатади.

Еш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, ноозик-овқат ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички истъёмол бозорини тўлдириш, янги корхоналар ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида ҳам банкнинг молиявий ёрдами катта бўлмоқда. Ўтган олти ой мобайнида ана шу мақсадлар учун 20,7 млрд. сўм, инвестицион лойиҳаларни молиялаш учун эса 17,5 млрд. сўм миқдоридида сармоя йўналтирилди. Қолаверса, республикамиздаги фермер хўжаликлари банкнинг 23,4 млрд.сўм миқдоридидаги имтиёзли кредити эвазига ғалладан мўл-кўл ҳосил этиштирилди.

Шу ўринда «Савдогарбанк»нинг худудий филиаллари тадбиркорлик субъектларига намунали хизмат кўрсатиш бўйича катта тажриба тўплаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни пайтда Фарғона вилояти филиали 2400 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъектнинг ўз атрофида жипслаштириб, жамоа Президентимизнинг «Тижорат банкларидида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Бу борада аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам олиб борилаётир.

Жорий йилда банкнинг Фарғона вилоят филиалида 91 та, Риштон тумани филиалида 52 та, умуман, хўжалик юритувчи субъектлари қошида жами 133 та савдо терминаллари ўрнатилдики, бу истъёмолчилар учун айни мудида бўлди.

Халқаро пул ўтказмалари эса «WESTERN UNION», «CONTACT», «Быстрая почта», «Интер Экспресс» ва «MIGOM» тизимлари орқали тез ва сифатли амалга оширилмоқда.

Утган қисқа давр мобайнида банкнинг вилоят филиали томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш учун 586 млн. сўм миқдоридида сармоя йўналтирилиб, шу ҳисобдан 250 та янги иш ўрни

яратилди. Хизмат қўлами ҳам шунга яраша ортиб бормоқда. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари қорамол сотиб олиш учун йўналтирилган 40,5 млн. сўм кредит эвазига эса 11 та янги иш ўрни яратилди.

Маълумки, савдо ва умумий овқатланиш тармоқларини ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш айни кундаги муҳим вазифалардан биридир. Ана шу мақсадлар учун банк 229 млн. сўм миқдоридида қисқа муддатли кредитлар йўналтирди. Мисол учун, Фарғона шаҳар деҳқон бозоридида фаолият олиб бораётган яқка тартибдаги тадбиркор Ё.Обидовга айланма маблағларини тўлдириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун 15,0 млн. сўм, Фарғона тумани Чимён қишлоғида жойлашган «Шермухаммадхўжафайз» хусусий корхонасига 10,0 млн. сўм, «Чимён озод фойз» фермер хўжалигига гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 40,0 млн. сўм кредит берилди.

Бир сўз билан айтганда, «Савдогарбанк»нинг Фарғона вилояти худудий бўлими бугун жуда катта режалар асосида иш олиб бормоқда. Бу эса республикамизда мавқеи тобора мустаҳкамланиб, миқозлар сафи кенгайиб бораётган банкнинг иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фаол иш олиб бораётганини аниқлади.




Аср кашфиёти

аммо у XXII асрда инсониятни қутилмаган вазиятларга дучор этиши ҳам мумкинлиги таъкидланмоқда

Аскар ИМОМХУЖАЕВ

Тарихга айланган XX аср ижтимоий-иқтисодий ҳаёти-мизда туб бурилишларни юзага келтирган улкан кашфиёт ва ихтироларга асос солиб, уларнинг ҳар бири инсон ид-рокиннинг махсули сифатида жамият ҳаётига чуқур сингиб, башариёт тақдирини у ёки бу томонга ўзгаришида муҳим омил бўлди, дейиш мумкин. Аммо аср сўнгига келиб илм-фан оламида шундай йўналиш очилдики, бу кўҳна аср фан-техника тараққиёти босқичларининг хулосаси бўлиш билан бирга XXI асрга қадам қўйган инсониятнинг келажаги сифа-

тининг чўққиси глобал муаммога айланиб улгурган каш-шоқликка ҳам барҳам бериши мумкин, дея ҳисобламоқдалар. Улар наноматериал ва наноап-паратлардан фойдаланган ҳолда сув ва ёнилгини самар-рали тозалаш, тупроқ унум-дорлигини ошириш мумкин эканини қайд этишяпти. Бу-гуннинг ўзида бозорларда на-нотехнологиялар ёрдамида тайёрланган юзлаб маҳсулот-лар учрамоқдаки, хусусан, улар компьютер, авиация, космик сановат, механика (молекуляр ва наномоторлар, наноробот-лар) соҳаларида кенг фойда-ланилаёпти. Бундан ташқари, ҳозирги замон тиббиётини ҳам наносуналарсиз тасавур



Нанотехнология ва наноматериалларнинг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига зарари ҳақида ҳам турли фикрлар пайдо бўла бошлади. Гап шундаки, кенг фойдаланишга киришилган наноматериалларнинг наноқисмлари етарли даражада ўрганилмаганлиги инсониятни хавотирга солмоқда.

тида ҳам баҳолана бошланди. Бу фан ва технологиянинг янги йўналиши бўлган, сўнгги ўн йилликда фаол ривожлана-ётган нанотехнология олами-дир.

1959 йилда америкалик ҳамкасбларига қарата Ричард Фейнман яқин келажакда техника тараққиёти марказий бўлини низолатда кичик ҳажм-даги, молекуляр ва атом дара-жасидаги босқичга ўтишини башорат қилган эди. Орадан эллик йилдан ортиқроқ вақт ўтиб унинг гипотезаси ҳаёт ҳақиқатига айланди, десак, муболага бўлмайди. Икки аср ораллигида эса америкалик физиклар Жеймс Тур ва Марк Рид алоҳида олинган молеку-ла ҳудди молекуляр занжир сингари ишлаши мумкинли-гини кўрсатиб берди ва ай-нан ана шу кашфиёт жуда май-да ҳажмдаги ускуналарнинг яратилишига замин яратди. 1 дан 100 нанометргача ҳажмга эга бўлган материаллардан фойдаланиб, техник воситалар яратиладиган соҳа — «нанотех-нология» атамасини эса 1974 йилда Токио университети-нинг материалшунос профес-сори Норио Танигучи илк бора луғатимизга олиб кирди. Уша кезларда Норио фаннинг маз-кур йўналишини «ўта аниқлик билан ишлайдиган низолатда кичик ҳажмдаги ишлаб чи-қариш технологияси» дея тари-флаган эди. Ушбу жараёнларни баҳолаб экан, Шимолий-гар-бий нанотехнология институти директори Чад Миркин «Му-ҳандислик соҳамиз ва илмий ишларимизда, хусусан, тибби-ётда катта бурилиш юз берди. Шундай экан, мен кўпгина му-носabatларда туб ўзгаришлар қилиш зарур, деб ҳисоблай-ман» деган эди.

Бугун нанотехнология йўна-лишида илмий фаолият олиб бораётганлар соҳа тараққиё-

этиш қийин. Мутахассислар-нинг фикрича, яқин келажакда нанотехнологиялардан мурак-каб техник жараёнларни бош-қаришда ҳам фойдаланиш йўлга қўйилади.

Америка Қўшма Штатлари янги фаннинг имкониятлари-ни тўғри баҳолаб, биринчи бўлиб ушбу йўналишда узоқ муддатли стратегик ривожла-ниш йўлини ишлаб чиққан мам-лакатга айланди. АҚШ ҳукума-ти томонидан 2000 йилдаёқ катта илмий мақсадларни кўзлаган Миллий Нанотехно-логик Ташаббуси эълон қилин-гани фикримизга мисол бўлиши мумкин. Ушбу воқеадан ропла-роса бир йил ўтган, АҚШ соҳа-га 500 миллион доллар миқдо-рида маблағ сарфлаб, нанотех-нология ривожини йўлида қатор тадбирларни амалга оширди. Айни шу йилларда ҳукумат ва корпорациялар томонидан «митти» технологияларни та-диқ қилишга ажратилаётган инвестициялар бир неча бароб-бар ортди. Хусусан, National Nanotechnology Initiative фаоли-яти учун ажратиладиган маб-лагни АҚШ ҳукумати ҳар доим-гидан ҳам оширди. Эътибор-лиси, мазкур маблағ шу вақт-гача инсон геномаси тадиқи учун ажратилган энг катта маб-лаг эди. (Human Genome Project). 2000 йилдан 2005 йил-гача эса National Nanotechnology Initiative компанияси фаоли-ятига АҚШ ҳукумати 3,5 млрд.га яқин маблағ ажратди.

Шундан сўнг дунёнинг бо-шқа мамлакатларида ҳам на-нотехнологияларга бўлган қизиқиш кучайди. Жумладан, Япония ва ЕИ мамлакатлари-да соҳани ривожлантириш йўлида барча имкониятлар-ишга солина бошланди. Маса-лан, бундан тўрт йил муқаддам Евроиттифок микросхемалар ишлаб чиқаришининг янги ус-лубини яратиш учун 24 млн.

евро ажратган бўлса, нанотех-нологияга яқин соҳа ҳисоблан-ган биотехнологияни ривож-лантириш учун 2003-2006 йил-ларда ЕИ 3,55 млрд. евро миқ-доридида маблағ сарфлади.

Ушбу соҳада Шарқ мам-лакатлари орасида Япония бирмунча илгариллаб кетгани-ни алоҳида таъкидлаш жоиз. Бир гуруҳ экспертлар яқин ўн йилликда кунчиқар юртнинг нанотехнология бозоридидаги товар ва хизмат турлари ай-ланмаси 270 млрд. АҚШ дол-ларини ташкил қилиши ҳақида фикр билдирмоқда-лар. Хитойда ҳам соҳага кат-та эътибор қаратила бошлан-ди. 2001-2005 йилларда нано учун 300 млн. доллар маблағ ажратилган, мамлакатда соҳа-га оид патентлар сони сези-ларли даражада ошди ва Хитой ушбу йўналишда АҚШ ва Япониядан кейинги учин-чи ўринга чиқиб олди.

Шу ўринда ҳукуматларга нисбатан йирик корпорация-ларнинг «митти» технология-ларга бўлган қизиқиши ҳам ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мисол тари-қасида Шимолий Америка мам-лакатларида бугунга келиб на-носоноат ривожини учун ҳукумат-га нисбатан корпорациялар то-монидан ажратилаётган маб-

лағ миқдори — 1,6 млрд. дан 1,7 млрд. га ортганини айтиш мумкин. Осиёда ушбу кўрсат-кич 1,4 дан 1,6 млрд. га, Евро-пада 650 млн. дан 1,3 млрд. га кўпайди.

Бу жаҳон миқёсида нано-компаниялар сонининг йил сайин ортиб бораётганида ҳам ўз аксини топмоқда. Айни пайтда бундай компаниялар 16000 тадан ошиб кетгани эса соҳанинг шиддат билан ри-вожланаётганини кўрсатади. Германия ва Франция каби ривожланган мамлакатларда эса нанотехнологиянинг турли йўналишларида фаолият олиб боровчи компанияларни бир-лаштирадиган махсус гуруҳ-лар ҳам ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, бугун наноишланмалардан дунё-нинг деярли барча мамлакат-лари сановатда кенг фойда-ланмоқдалар. Натижада ҳар йили жаҳон миқёсида нано-технология тадиқиға бағиш-ланган 800 мингга яқин ил-мий ишлар юзга келаяпти. Янгиликлар яратиш бўйича 15 мингта илмий иш тайёр-лаган АҚШ соҳада етакчилик қилаётган бўлса, ундан 3 мин-гтага орта қолаётган Евро-па иккинчи ўринни банд эта-пти. Nanonewsnet.ru. наشري маълумотларига қараганда,

Хитойда олиб борилаётган тадиқотлар салмоғи ҳам 10 мингдан ортган. Ушбу йўна-лишда патент олиш бўйича ҳам АҚШ компаниялари етак-чилик қилмоқдалар. Расмий статистик маълумотларга кўра, мазкур мамлакатдаги нанокашфиётлар сони 3 ми-нгдан зиёдни ташкил этаётган бир пайтда мутахассислар яқин 20 йилда наноматериал-ларга бўлган талаб янада ор-тишини таъкидлаётганлар.


Ўрни келганда мазкур соҳа муваффақиятларини таъкид-лаш баробарида унинг салбий оқибатлари ҳақида турли фик-рлар, қарашлар мавжуд экани-ни унутмаслик зарур. Чунки Фарб мамлакатларида нанотех-нология ва наноматериаллар-нинг атроф-муҳит ва инсон са-ломатлигига зарари ҳақида ҳам турли фикрлар пайдо бўла бошлади. Гап шундаки, кенг фойдаланишга киришилган наноматериалларнинг нано-қисмлари етарли даражада ўрганилмаганлиги инсоният-ни хавотирга солмоқда.

Тўғри, янги соҳанинг аф-залликларини бисёр. Бу бора-даги кўплаб мисоллар ҳам унинг нақадар фойдали экан-ини кўрсатиб турибди. Бир-гина мисол: Европада автомо-билсозлик соҳасида нанотех-нологиялардан кенг фойдала-ниш йўлга қўйилгани, жумла-дан, Германиянинг Lanxess ком-панияси томонидан ишлаб чиқарилаётган полимер шинал-лар гилдираклар чидамлили-гини 15 фоизга оширгани каби ҳолатларни ҳеч ким рад этаётгани йўқ. Лекин дунё ҳамжамияти томонидан фан-нинг нозик нуқталари янада синчковлик билан ўрганилса, фойдадан холи бўлмаслиги аниқ. Мазкур масалада хаво-тирга тушган ЕИ эса нанотех-нологиялар фаолиятига оид норматив ҳужжатларни тезкор ишлаб чиқишга киришди. Чун-ки йирик мутахассислар на-ноқисмлар ўзида 99 фоиз зар-рарли маҳсулотларни сақла-шига алоҳида эътибор қара-таяптилар. Шунинг учун ҳам соҳага ўта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлинмас экан, шундоқ ҳам жиддий тус ола-ётган экологик муаммолар янада кўпайиши эҳтимолдан холи эмас.

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

Бойлар ҳам йиғлайди

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти оғир руҳий ҳолат авж олган мамлакатлар рўйхатини тузиб чиқди. Мутахассислар таъкидлашларича, бу асосан иқтисодий жиҳатдан ўта ривожланган мамлакатларда учрамоқда. Жумладан, Франция, Голландия ва АҚШда ҳар уч одамдан бири оғир руҳий ҳолатни бошдан кечириётган бўлса, Хитойда мазкур кўрсаткич 12 фоизни ташкил қилмоқда. Таъкидлаш жоиз: турли мамлакатларда яшайдиган 89 миң киши ўртасида ўтказилган тадиқот натижаларига кўра, аёллар эркекларга нисбатан 2 баробар руҳий танглик аҳолига тушишга мойилдирлар. Шунингдек, BMC Medicine электрон журналида қайд этилишича, ер қуррасидаги 120 миллион аҳоли руҳий танглик ҳолатидан азоб чекаяпти. Энг оғир ҳолатда эса ушбу дард суикасд қилиш ҳолатигача олиб бориши мумкинлиги соҳа мутахассисларини хавотирга солмоқда. Эслатиб ўтамиз: депрессия туфайли йилига 850 миң киши ҳаётдан кўз юммоқда.



Норвегияда мотам

Андерс Брейвик томонидан содир этилган даҳшатли террор қурбонига айланган фуқаролар хотирасига бағишлаб ўтказилган маросимда иштирок этиш учун бир неча миң норвегиялик Утейя қирғоғига тўпланди. Қурбонлар орасида Норвегия Ишчилар партияси тасарруфидаги оромгоҳда дам олаётган ёшлар ҳам бўлган. Маълумотларга қараганда, мамлакат пойтахти — Ослода амалга оширилган портлаш ва унинг кетидан Утейяда содир этилган террорчилик ҳаракатлари натижасида ҳалок бўлганлар сони 91 тага етган. Шунингдек, 100 нафардан ортиқ киши жароҳатланиб, уларнинг кўпчилиги оғир аҳволда шифохонага келтирилган. Ослода мотам маросимлари ҳамон давом этмоқда. Айрим кишилар қўлидаги гуллар ва шамлар Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакатда содир бўлган энг даҳшатли воқеанинг рамзи бўлиб қолиши мумкинлигини таъкидламоқдалар.

Чионг Тан Шанг Вьетнам президенти

62 ёшли Чионг Тан Шанг Вьетнамнинг янги президенти этиб сайланди. Вьетнам Миллий Кенгашида бўлиб ўтган мамлакат бошлиғини сайлаш маросимидан Тан Шангга депутатларнинг 97 фоизи овоз берди. Чионг Тан Шанг бунгача партия ташкилотиде фаолият юритган. Эслатиб ўтамиз: Вьетнамда бир палатали Миллий Кенгаш олий орган ҳисобланиб, унга 500 нафар депутат тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Мамлакат бошлиғини эса айнан ана шу депутатлар сайлайдилар.

Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

Эълон

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР! «ARSH SAVDO — ELIT» МҶЗ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдосига «Микрокредит банк» ОАТБ Балиқчи филиалининг 2011 йил 13 июлдаги №29/1-сонли буйруғига ҳамда мазкур банк бошқарувчисининг 2011 йил 19 июлдаги №08-35/482-сонли алоқа хатига асосан Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги Балиқчи қўчаси, 7-уйда жойлашган «Микрокредитбанк» ОАТБ Балиқчи филиалига қарашли, 2004 йилда ишлаб чиқарилган «Матиз» русумли давлат белгиси 60 787 ААА бўлган автотранспорт воситаси 3 702 559 (уч миллион етти юз икки миң беш юз эллик тўққиз) сўм бошланғич баҳода савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2011 йил 29 август куни соат 11.00 да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йил 30,31 август кунлари соат 11.00 да Андижон шаҳар, Алишер Навоий шох қўчаси 30-уй, 215-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдориде гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг 20208000904456131001 ҳисоб рақамига МҶО: 00074, ИҲН: 205987298 тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) ва аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) соат олдин, яъни 10.00 га қадар Андижон шаҳар, Алишер Навоий қўчаси 30-уй, 215-хонада қабул қилинади.

Савдода қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низоми ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Қўшимча маълумот учун манзилимиз: Алишер Навоий шох қўчаси 30-уй, 215-хона. Тел: 8(374)606-88-81, 269-88-81, 700-88-81
Гувоҳнома рақами №00126



XXI ASR

Ijtimoiy siyosiy gazeta

Газетхонларимиз диққатига!
«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетасининг янгиланган сайти ишга туширилганини маълум қиламиз. Веб-сайтга www.21asr.uz манзили орқали ташриф буюришингиз мумкин.



Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.



Байрам кuni янги трамвайлар қатнайди

Пойтахтимиз транспорт парки Чехиянинг PRAGOIMEX фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган VariOLF русумдаги 20 та янги трамвай ҳисобига кенгайдиган бўлди. UzDaily.uz сайтида хабар қилинишича, август ойи охиригача Тошкентга келтирилладиган трамвайларнинг дастлабки 2 таси Мустақиллик байрами кuni йўловчиларга хизмат кўрсата бошлайди.

3 поғона юқориладик

Кuni кеча Халқаро Футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) миллий терма жамоаларнинг янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра, 23 июль кuni бўлиб ўтган Жаҳон чемпионати саралаш босқичи учрашувида Қирғизистон жамоасини 4:0 ҳисобида енган Ўзбекистон термаси 3 поғона юқорилаб, 83-ўринга кўтарилди. Мазкур рўйхатни ҳамон жаҳон чемпиони — Испания бошқариб бораётган бўлса, «кучли бешлик»нинг кейинги поғоналарини Голландия, Германия, Бразилия ва Уругвай термалари эгаллаб турибди. Таъкидлаш жоиз: бугун Бишкек шаҳрида Вадим Абрамов мураббийлигидаги футболчиларимиз ҳамда Қирғизистон терма жамоаси иштирокида «ЖЧ-2014» саралаш баҳсларининг жавоб учрашуви бўлиб ўтади.

Чангитманинг суви америкаликларга ёқиб қолди

Мамлакатимиздаги қулай инвестицион муҳит хориж сармоядорларини кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Норин туманининг Чангитма қишлоғида фаолият кўрсата бошлаган «Navruz International Corp» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Айна пайтда мазкур корхонада «Acva», «Montello» каби ўн олти турдаги чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда. Йигирма нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонада қисқа муддатда 18 миллиондан ортиқ шифобахш сув қадокланиб, харидорларга етказиб берилди. Малика СРАЧЕВА тайёрлади.

365 кундан кейин «Лондон-2012» очилади

2012 йилнинг 27 июль кuni Буюк Британия пойтахтида XXX ёзги олимпия ўйинларига старт берилади

Шухрат ХЎЖАЕВ,
«XXI ASR»

Ушбу мусобақа яқинлашгани сайин спорт ихлосмандлари қалбида «бу гал қайси мамлакат вакиллари кўпроқ медалларга сазовор бўлар экан, қайси жамоалар кучлилар рўйхатидан ўрин олади?» деган саволларнинг туғилиши табиий.

Худди шу саволлар билан Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси (МОК) президенти маслаҳатчиси Роман Ицковга мурожаат қилганимизда тажрибали мутахассис бу борада тахминлар чиқаришга ҳали биров эрта эканлигини маълум қилди.

— Олимпия ўйинларининг очилишига бир йил қолган бўлса-да, ушбу мусобақаларда иштирок этиш имконини берувчи лицензиялар ўйналадиган саралаш босқичлари энди бошланди. Шу боис ҳозир медаллар ҳақида гапириш эрта, деб ўйлайман. Умуман олганда, мамлакатимизда мазкур нуфузли мусобақага тайёргарлик кўриш ишлари «Пекин-2008» ўйинларидан кейинок бошланган, десак, муболага бўлмайди. Хусусан,



Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳрида (Буюк Британия) бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Миллий олимпия кўмитаси, спорт федерациялари ва ҳомийлар билан ҳамкорликда кенг қўламли ишларни амалга оширишга, — дейди МОК мутасаддиси. — Ўз навбати-

да, айна пайтда мутахассисларимиз барча спорт турлари орасидан мамлакатимизда устувор ва истиқболли олимпия спорт турларини ажрати олишга ҳаракат қилаётганларини айтиб ўтиш лозим. Зеро, бунгача дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, бокс, бадий ва спорт гимнастikasi, байдарка ва каноэда эшак эшиш, батутда сакраш, таэквондо, оғир ва енгил атлетика сингари вакилларимизга олимпия медалларини улашган устувор спорт турларига ало-

ҳида аҳамият қаратилган бўлса, эндиликда сузиш, академик эшак эшиш, милтиқдан ўқ отиш, велоспорт ва теннис каби истиқболли спорт турларига ҳам жиддий эътибор берилаяпти. Роман Ицковнинг таъкидлашича, ёш футболчиларимиз ҳам «Лондон-2012» йўлнамасини кўлга киритишлари мумкин. Аммо бунинг учун улар саралаш баҳсларининг навбатдаги босқичида кучли рақибларга қарши ижобий натижага эришишлари лозим.

Бир йил кўз очиб югунча ўтиб кетади. Умид қиламизки, Ришод Собиров, Вадим Меньков, Аббос Атоев, Артур Таймазов ҳамда Окгул Омонмуродова сингари дунё танниги спортчиларимиз ана шу қисқа вақт давомида яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, бор куч-ғайратларини ишга солган ҳолда «олимп чўққилари»ни забт этадилар ва Ўзбекистон «Лондон-2012» жамоалари рўйхатининг юқори поғоналаридан жой олади.



Бир неча кун давом этган жазирамадан сўнг ўлкамизда ҳаво ҳароратининг бир неча даражага пасайиши кутилмоқда. Гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, 28 июль 4 август кунлари мамлакатимизда ёгингарчилик кутилмайди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб турсада, ёгингарчилик бўлмайди. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳафта охирида ҳаво ўзгариши кутилмоқда. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсиб, 1 август кuni баъзи жойларда 15-20 м/с гача кучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси 20-22, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади, 1 август кuni баъзи жойларда 15-20 м/с гача кучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида келаётган ҳафтада баъзи жойларда ҳаво ўзгариши эҳтимоли бор. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 20-22, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳаво мўътадил бўлади. Шамол шарқдан 5-10 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳам ҳаво биров булутли бўлади. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 13-15 даража, кундузи 21-23 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

Эълон

«Агробанк» очиқ акциядорлик-тижорат банкининг Бектемир ва Чилонзор филиаллари фаолияти банк Кенгашининг 2011 йил 4 июлдаги 11/1-сонли қарорига асосан 2011 йилнинг 26 июлидан тугатилганлиги эълон қилинади.

Банк мижозларининг мурожаатлари ушбу эълон газетада чиққан кундан бошлаб 2 (икки) ой мобайнида қабул қилинади.

Манзил:
«Агробанк» ОАТБ Марказий аппарати
100096, Тошкент ш.,
Муқимий кўчаси, 43-уй.
Тел: (371) 120-88-16, (371) 278-12-96, ТЕЛЕКС: 116412 IRIS-SU
Электрон почта (E-mail):
headoffice@agrobank.uz



Африкада қор бўрони

Жанубий Африка Республикасида сўнгги йиллардаги энг совуқ об-ҳаво кузатилиди. 26 июль кuni мамлакат жануби-шарқи ва марказидаги катта ҳудудларни қалин қор қоплади. Йўл полицияси республика иқтисодий маркази — Йоханнесбург ва Хинд океанининг илиқ соҳилларидаги бош кўрфаз — Дурбан шаҳарларини боғловчи йўлда автомобиль ҳаракатини тўхтатишга мажбур бўлган. Фан Ринен домини қор билан қопланиб, йўллар музлаш даражасига етган. Харрисмит шаҳарчаси эса электр таъминотисиз қолган. — Бундай ҳавода йўлга чиқишни ҳатто хаёлга ҳам келтириб бўлмайди, — дейди маҳаллий автомобиль устaxonаси эгаси Дрис фан Никерк. — Уйда ўтириб, иссиқ ичимлик ичишдан бошқа чора қолмади. Бошқача исинишнинг иложи йўқ. Чунки бизда ҳеч қачон уй печкаси бўлмаган.

Чарос КАРИМОВА тайёрлади.

Теннисчиларимиз муваффақияти

Қозғистоннинг Остона шаҳрида давом этаётган халқаро турнирда ҳамюртимиз Окгул Омонмуродова муваффақиятли иштирок этмоқда. Олтинчи рақамда сараланган тажрибали теннисчимиз яккаликлар баҳсининг дастлабки учрашувида россиялик Валерия Соловьёвани 6:4, 6:4 ҳисобида маглубиятга учратди. Энди у чорак финалга чиқиш учун мезбонлар вакиласи Сессил Каратанчева билан куч синашадиган бўлди. Жўфтлик беллашуварларида россиялик Александр Панова билан ҳамкорликда ўйнаётган Окгул Омонмуродова қозғистонлик теннисчилар — Дарья ва Наталья Бережневлар устидан 6:0, 6:1 ҳисобида галаба қозониб, навбатдаги босқичга йўл олди. Қирғизистонда ўнга яқин давлатнинг иқтидорли ракетка усталари иштирокида ўтказилаётган «Bishkek Open-2011» халқаро турнири ҳам ўзбекистонлик ёш теннисчилар учун муваффақиятли бошланди. Эраклар ўртасидаги яккалик баҳсларда ҳамюртимиз Темура Хабибуллин россиялик Анвар Аҳмедовни 2:6, 6:2, 6:1 ҳисобида енган бўлса, Александр Цаткин қирғизистонлик Илья Семёновни 6:2, 6:2, яна бир теннисчимиз Фахриддин Шофайзиев қозғистонлик Даниил Мичшенконни 4:6, 6:2, 6:2 ҳисобида маглубиятга учратди.

Қизлар ўртасидаги баҳсларда ҳамюртимиз Алиса Огородова ҳам мусобақадаги дастлабки галабаларини нишонлади. Иқтидорли теннисчимиз яккалик беллашуварларида россиялик Алёна Васильевани 2:6, 6:4, 6:1 ҳисобида енгиб, навбатдаги босқичга йўлланма олди. Энди теннисчимиз чорак финалга чиқиш учун грузиялик Марями Курасбедани билан баҳслашди.



Жўфтлик баҳсларида россиялик Анна Помятинская билан бирга ўйнаётган ёш спортчимиз дастлабки беллашувада қирғизистонлик Эмилия Тенизбаева ва грузиялик Марями Курасбеданини 6:4, 6:2 ҳисобида доғда қолдирди. Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎЗА муҳбири

XXI ASR
ИЖТИМОЙ-СИСОЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йилга обуна давом этмоқда

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

AGROBANK

TURON BANK

Эффективный рост ваших капиталов.

